

Mahsini oyoqdan yechsa tahorat ketadi va boshqatdan tahorat qilish kerakmi yoki faqat oyoqni yuvish

21:34 / 27.04.2016 8151

Биз биродарлар билан бир масалада ихтилоф қилиб қолдик: маҳсини оёқдан ечса таҳорат кетади ва бошқатдан таҳорат қилиш керакми ёки фақат оёқни ювиш етарлими?

Маҳсини оёғини ювган тўлиқ таҳорат билан кийиб юргандан кейин, таҳорати кетган бўлса, ундан кейин таҳорат қилиб маҳсига масҳ тортиб юрган бўлсаю, вақти келиб маҳсини ечса шунда оёқяланг бўлиш билан ҳалиги маҳсини тутиб турган ҳолати кетадида, дарҳол оёғини ҳам ювиб олса таҳорати тўлиқ бўлиб қолади. Қайтадан таҳорат қилишнинг кераги йўқ.